



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Нарзиев Озодбек Тўлқин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2-ўқув курси
208 -гуруҳ курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15152256>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 4th April 2025

Published: 5th April 2025

KEYWORDS

жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, вояга етмаган шахс, таълим, тарбия, қонунчилик, инсон шаъни ва қадри, одоб-ахлоқ нормалари. Бугунги кунда юртимизда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида бир қатор самарали ислохотлар олиб борилмоқда, десак муболаға қилмаган бўламиз.

ABSTRACT

Мақолада, вояга етмаганлар жиноятчилигининг турлари ва унинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек ушбу жиноятларга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш, уларнинг шахсий дахлсизлиги, мол-мулкини ҳимоялаш борасида бугунги замон талаб даражасида кенг қамровли ва сифатли хизмат фаолияти йўлга қўйилганлиги юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бўлмиш посбонлари томонидан кун-тун олиб борилаётган хизмат жараёнлари ҳам ўзининг яққол исботини намоён қилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Республика миқёсида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг камайишига эришилмоқда. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустақкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш

жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз-амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмади. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарорида мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилганлиги, шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этаётганлиги кўрсатиб ўтилган³.

Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш,

¹ Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

² Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарор

қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш белгилаб берилган.

Республикада ёшларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва таълим-тарбия тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ 2016 – 2019 йилларда ёш рецидивистлар (18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган) умумий судланганларнинг 28,6 фоизини ташкил этиб, уларнинг 16,1 фоизи илгари қасддан содир этган жинояти учун судланган, 12,7 фоизи судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этган⁵лиги ёшларнинг ахлоқини тузатиш ва тарбиялаш, ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштириш, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун нормалари самарадорлигини оширишнинг ҳозирда ҳам долзарб эканлигидан далолат беради.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёти, мамлакатнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига мос равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ўз фаолиятини ташкил этиш йўналишларида қуйидаги вазифа ва ваколатларни амалга оширадилар. Улар ўз фаолиятини вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлиги, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш, ота-оналик бурчларини бажармасдан, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш, уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш борасида ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари, давлат идоралари, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларининг кўмагига таянган ҳолда ишларни ташкил қилади ва олиб боради. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар тўғрисида тегишли давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, вояга етмаганларнинг ўқиш ва иш жойларига ва уларнинг ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахсларнинг иш жойларига хабарномалар юбориб, салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи шартшароитларни бартараф қилиш борасида таклифлар киритади. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар таҳлилларидан келиб чиқиб, улар орасида «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир», «Ғамхўрлик» каби ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари идоравий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хаттиҳаракатлар содир этган, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар билан Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг «Якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш» боби талаблари асосида якка тартибда профилактика иши ташкил этилади. Ушбу ҳолатда якка тартибда профилактика иши олиб борилаётган шахсларга нисбатан ушбу Низомнинг

2-иловасига мувофиқ профилактика иши юритилади. Ўзига нисбатан якка тартибдаги

профилактика иши олиб бориладиган вояга етмаганлар Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунга кўра, уларга нисбатан профилактика иши очилади ва Ички ишлар вазирининг бошқа идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлари асосида юритилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълимнинг узлуксизлиги, умумий, ўрта ва ўрта махсус таълимнинг мажбурийлиги ҳақида вояга етмаганлар ва ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Мажбурий таълимдан бош тортган вояга етмаганлар аниқланиб, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялари орқали ўқишга қайтариш чоралари кўрилади. Вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган тизимли профилактик чора-тадбирлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар ва ёшлар орасида хуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишидаги фаолияти Бош бошқарманиннг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўлими томонидан услубий таъминланади. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси ишларининг аҳволи бўйича олий ва ўрта-махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ва бошқа манфаатдор идоралар билан ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви таъминланади. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари:

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- ёшларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;
- ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
- ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги ваколатлари вояга етмаганлар билан хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ишини олиб боради, қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборади, вояга етмаганларни хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хаттиҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайрихуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлайётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади, вояга

етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритади, вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайди, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қилади, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан ушбу Низомнинг 3- иловасига мувофиқ шаклда баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганлиги ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилади, вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиш (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўғараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритади, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган отаоналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йиғади ва умумлаштиради, етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига қўмаклашади. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи шароитлар ва сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарор36и билан ташкил этилган вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар билан ҳамкорликда амалга оширилади. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қонуни талабларига кўра Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

- якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради; – қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборади;

- вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атвorigа салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;
- вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;
- ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хаттиҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритади;
- вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайди;
- вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шартшароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қилади; ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хаттиҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганлиги ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилади;
- вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиш (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгил очар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўғараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олибборилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади;
- ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. 110 Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва уларни барвақт олдини олиш бўйича даставвал улар истиқомат жойларида профилактик тадбирларини амалга оширишлари лозим ҳисобланади якка тартибдаги суҳбатлар, расмий огоҳлантиришлар ва тарбиявий таъсир чораларини амалга ошириш, улар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ва бандлигини таъминлашлар чораларини кўришлари лозим. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалардан бири вояга етмаганлар ва уюлмаган ёшлар билан ишлаш, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш юзасидан энг аввало ҳар бир оиладаги асосан бугунги кунда ота-оналик муомала лаёқатини ўз хаттоҳаракларини билан чеклайдиган жамиятда ўрнатилган қонунларга нисбатан носамимий

муносабатда бўлаётган оилаларни даставвал маҳалла ҳамда ўзни ўзи бошқариш органлари билан ишловга олиш керак ҳисобланади. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фарзандларимизнинг қонуний ҳуқуқларини муҳофаза этиш, энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда олий юридик кучга эга бўлиб, унга асосан давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ёшлари Конституция ва қонун ҳужжатларида мустақамлаб қўйилган ижтимоий-қисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлиқ фойдаланадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. <https://president.uz/uz/lists/news?page=328&per-page=15>.
2. “Янгиланган Конституциямиз Учинчи ренессансни барпо этиш йўлида мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади”. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/6277>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/acts/1297315>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарор
6. Конвенция “О правах ребенка. <https://www.un.org/ru/documents/declconv/conventions/childcon.shtml>.
7. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар. II-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. – 592 б.
8. Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш // *siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali*. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.
9. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // *Академические исследования в современной науке*. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.